

ДОЛЗАРБ ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАР МАЖМУИНИ ХАЛ ЭТИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЙЛИК

2004 йил сайловдан кейин ўтган даврда у ёки бу ижтимоий вазифаларни ҳал этишда қатнашиш масаласида партиямизда муайян тажриба тўпланди. ЎзХДПнинг барча кенгашларида Жамоатчилик қабулхоналари фаолият кўрсатмоқда. 2006 йил ноябрь ойидан бошлаб уларда 50 минг фуқаро қабул қилинди. Мурожаат этган фуқароларнинг 75 фоизига мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатилди. Партиямиз депутатлик гуруҳлари аъзолари сайловдан кейинги даврда ўз сайлов округларида вужудга келган электротар муаммоларини амалий ҳал этиш мақсадида депутатлик сўрови ҳуқуқидан 25 минг мартадан ортиқ фойдаландилар.

Аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш ва иш билан бандлиги даражасини ошириш, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда уй-жой-коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштириш масалалари бошқа-бошқа муаммолар эмас, балки ўзаро боғлиқдир. Буларнинг барчаси давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатига киради. Улар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган тегишли ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида ҳал этилади.

Бундай вазиятда партия тўпланган тажрибага таянган ҳолда, бир марталик ижтимоий вазифаларни ҳал этишда электротарга кўмаклашиш амалиётидан долзарб ижтимоий муаммоларни комплекс ҳал қилишда қатнашиш, яъни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширишда иштирок этиш амалиётига ўтиши керак. Яқин истиқболда партиянинг дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда бу масала ЎзХДП сайланма органлари ва депутатлик бирлашмаларининг стратегик сиёсий вазифаси бўлмоғи даркор.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

Ушбу вазифани ҳал этишнинг бош воситаси партиямиз томонидан 2005 йилдан буюн йўлга қўйилган жойлардаги вазият, ижтимоий масалалар бўйича қонунлар, мамлакат Президентининг фармон ва қарорлари, муҳим давлат дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатлар ижросининг жамоатчилик мониторингидир. Бу мониторинг партиямиз парламент

(Давоми. Боши 1-бетда)



фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан фақат у ёки бу меъёрий ҳужжатлар ижросини ўрганишдангина иборат эмас.

Жойларда мунтазам равишда ўтказиладиган вилоят, туман ва шаҳарлар фаолларининг йиғилишларида иштирок этиш партия минтақавий ва маҳаллий кенгашларининг барча раҳбарларига мавжуд муаммолар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш имконини беради. Чунки, ушбу йиғилишларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳудудий дастурлари бажарилиши кўриб чиқилади.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, барча вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳузурда фаолият кўрсатаётган Жа-

коммунал хизмат кўрсатишдаги камчиликларга тегишлидир. Қорақалпоғистон республика ва Навоий вилоят партия Жамоатчилик қабулхоналарида тушган мурожаатлар орасида ишга жойлаштиришга кўмаклашиш масалалари аксарият кўпчиликини ташкил этади. Андижон, Жиззах, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари партия кенгашларининг Жамоатчилик қабулхоналарида мурожаат қилган фуқаролар бошқа минтақаларга қараганда ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олишда қийинчиликларга кўпроқ дуч келаётган кишилар. Сурхондарё вилоятида Жамоатчилик қабулхоналарида мурожаат қилган фуқароларнинг кўпи ер участкаси ва микрокредит олишда ёрдам сўрадилар. Самарқанд ва

ғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотлари конференцияларида қўйилган эди. Ушбу конференцияларнинг барчасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг тегишли ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мажмуини ҳаётга татбиқ этишда иштироки бўйича Ҳаракат дастурлари муҳокама ва қабул қилиниши марказий ўрин эгаллади.

Бундай дастурларнинг қабул қилиниши ҳар бир минтақавий партия ташкилоти учун катта сиёсий аҳамиятга эга. Шундай бўлса-да, уларга аниқликлар киритиш, такомиллаштириш талаб қилинади. Жумладан, Қорақалпоғистон республика, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий ва Сур-



ған Ҳаракат дастурларини маромига етказишда ижтимоий

Тўртинчидан, жойларда эътиборни талаб қиладиган ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда партиямиз иштирокининг энг самарали шаклларида бири — ЎзХДПнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашларидаги гуруҳлари ва парламент фракциясининг тегишли минтақалардан сайланган депутатлари ҳамда партия марказий аппарати профессионал ходимларининг сайёҳаракатларини бирлаштириш ҳисобланади.

Шу сабабли, ЎзХДП минтақавий ташкилотларининг Ҳаракат дастурларини аниқлаштириш бўйича ишларига партия Марказий Кенгаши томонидан экспорт-тахлилий ёрдам кўрсатиш зарур. Шунингдек, амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида тегишли округлардан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоларини маҳаллий ташкилотларимизга бириктириб қўйиш лозим.

ЎЗ ПОЗИЦИЯМИЗНИ КАТЪИЯТ БИЛАН ҲИМОЯ ЭТАЙЛИК

Ўзбекистон ХДПнинг барча ташкилотлари сайлов кампаниясига киришаётганда, 2009 йил сайлови сиёсий партияларнинг беллашуви кучайиб бораётган вазиятда ўтишни яхши англаб олишлари керак. Биз сайловда ҳар бир сайлов округидаги ҳар бир депутатлик ўрни учун ягона аниқ мақсад, яъни шу округда Ўзбекистон ХДПдан кўрсатилган депутатликка номзодлар галаба қозонишига эришишимиз даркор. Бунда партиялар ва уларнинг номзодлари ўртасидаги беллашув майдони фақатгина сайловолди партиявий ҳужжатлар билангина чегараланмайди. Партиямиз сиёсий рақибларини асосли танқид қилиш ҳам муҳим омиллардан бири бўлмоғи лозим. Бу, айниқса, рақибларимиз депутатлик корпусида бизга қараганда кўпроқ ўринларга эга бўлган минтақаларда муҳимдир.

Ҳужумкор позицияда бўлайлик. Биз билан рақобатлашаётган партиянинг асосий ҳар бир танқидига асосли муносабат билдириш муҳим аҳамиятга эга. Бу фақат партия Марказий Кенгашларининг вазифаси эмас. Партиянинг барча минтақавий кенгашлари раҳбарлари бу ҳақда ўйлаб қўришлари керак.

Маърузада қўйилган масалаларни муҳокамага қўйишдан мақсад — мамлакатимизда бошланган сайлов кампаниясида партиявий олдига турган сиёсий вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг энг самарали йўллари белгилашдир.

ПАРТИЯМИЗНИНГ СТРАТЕГИК СИЁСИЙ ВАЗИФАСИ

— мамлакат минтақаларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этишдир, дея таъкидланди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши X пленумида. Куйида Ўзбекистон ХДП МК раиси Латиф Фуломовнинг пленумдаги маърузаси баёни ва муҳокамаларда билдирилган фикр-мулоҳазалар эълон қилинмоқда.

моатчилик қабулхоналари партия- миз электорати вакилларининг ижтимоий кайфияти барометри- дир. Фуқароларнинг қабулхона- ларимизга мурожаатларининг 60 фоиздан ортиги ишга жойлашиш, уй-жой-коммунал хизматлари, ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда турли қийинчиликларга дуч кели- наётган бошқа ижтимоий муам- моларга тегишлидир. ЎзХДПдан сайланган депутатларнинг ўз сай- ловчилари билан учрашувларида ҳам кўпинча шунга ўхшаш маса- лалар кўтарилди.

Ақсарият ҳолларда партиямиз ва депутатларимизга мурожаат этган фуқаролар ўз муаммолари ечимини топишда ёрдам олмақ- далар. Шу билан бирга, баъзи бир такрорланаётган масалалар хусусида партия Жамоатчилик қабулхоналари ва депутатларига турли шаҳар ва туманлардан му- рожаат қилмоқдалар. Бу айрим ижтимоий муаммоларнинг бир- мунча тарқалганлигидан далолат ва уларни комплекс равишда ҳал этиш лозимлигини билдирувчи кўрсаткичдир.

Масалан, партиянинг Бухоро, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари, Тошкент шаҳар ташкилотларида- ги Жамоатчилик қабулхоналари- га қилинган мурожаатларнинг уч- дан бир қисмидан ортиги уй-жой-



Қашқадарё вилоятларида фуқа- ролар бизнинг қабулхоналари- мизга иш ҳақи ва пенсияларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъё- рларнинг бузилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан кўпроқ му- рожаат қилганлар.

Жойлардаги ижтимоий вазият аҳоли партиямиз маҳаллий таш- килотлари фаоллари учун ҳам мавҳум тушуنча эмас. Улар ҳам партия электорати вакиллари яшаётган аҳоли пунктларида исти- комат қилдилар, ижтимоий ва коммунал хизматлардан фойда- ланадилар. Уларнинг кундалик турмуши истемол бозори ҳола- ти, коммунал хизмат кўрсатиш даражаси ва сифати ҳамда бош- қа масалалар тўғрисида аниқ та- саввурга эга бўлишга имкон бе- ради.

ҲУДУДИЙ ҲАРАКАТ ДАСТУРЛАРИ ЗАРУР

Ўзбекистон ХДП ташкилотла- рининг устувор ижтимоий ма- салаларни ҳал этишда иштиро- кини таъминлашга доир ўз ҳа- ракат дастурларини ишлаб чи- қишда дастлабки қадам 2009 йил июль-август ойларида бўлиб ўтган партия Қорақалпо-

хондарё вилоят партия ташки- лотлари дастурларидан жой ол- ган умумлашма ижтимоий маса- лалар муайян қишлоқ аҳоли пун- ктлари бўйича аниқлаштирилма- ган. Андижон вилоят, Тошкент шаҳар ва айрим бошқа минтақа- вий партия ташкилотлари дас- турларида Марказий Кенгаш то- монидан ижтимоий масалалар бўйича кўрсатилган топшириқ- лар тўла ҳисобга олинмаган. Бу- хоро вилоят партия ташкилоти дастурида жорий йилнинг бирин- чи ярмида ўтказилган қишлоқ аҳолиси уй-жой турмуш шаро- итларини ўрганиш мониторингини яқунлари ўз аксини топмаган. Кўпгина дастурларда янги иш ўринларини яратиш, касаначи- ликни ривожлантириш, ижтимо- ий мададага муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш амалиётини та- комиллаштириш сингари маса- лаларга оид мақсадли режалар киритилмаган ва ҳоказо.

МУАММОЛАРНИ КАЙД ЭТИШДА АНИҚ ТАКЛИФЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШГА ЎТИШ МАВРИДИ КЕЛДИ

Минтақавий партия ташкилот- лари томонидан қабул қилин-

СЎЗ — ПЛЕНУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ўз навбатида шунга таъкид- лаш керакки, Қорақалпоғистон республика туман, шаҳар партия кенгашларида ўтказил- ган қатор семинарларда фа- олларимизга сайлов мавсуми- да босқичма-босқич амалга ошириладиган тадбирлар, тар- гибот гуруҳлари, номзоднинг ишончли вакиллари, кузатув- чилар ва бошқа масалалар ху- сусида кенг тушунча берилди. Энди олдимизда турган вазифа мана шу билим, тасаввур ва кўникмаларни ишга солиш ҳисобланади.

Ҳаётхон ОРТИҚБОВЕВА, Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси:



— Минтақаларни ривожлан- тиришга қаратилган ҳудудий ижтимоий-иқтисодий дастур- лар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда депутат- лик гуруҳларининг иштироки муҳим аҳамиятга эга. Албат- та, дастурларда белгиланган устувор вазифаларни ҳал этишда барча қонуний вако- латлар ва яратилган имкони- ятлардан самарали фойдала- нишга эришишимиз лозим. Партия кенгашларида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхо- налари айни мақсадларимиз- ни рўёбга чиқаришда муҳим восита ҳисобланади. Ушбу ту- зилишда ҳамда депутатлар ва сайловчилар учрашувларида қатор муаммолар кўтарилди, унинг ечимлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилади. Вилоятимизда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари- миз, Олий Мажлис Сенати аъзоларининг Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятидаги

иштироки ортганини таъкидла- мочкиман. Ушбу тажрибани янада такомиллаштириш бил- лан бирга, фаолиятга мутасад- ди ташкилотлар, жамоатчилик кенг қатламини ҳам жалб қилиб бориш зарур. Шу орқа- ли электротартиб манфаатдор бўлган масалаларни кенг қўламада ҳал этишда яна бир имкониятга эга бўламиз.

Абдуманноб РАҲИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Бирор бир мамлакат, жа- мият ҳаётида сайловлар ва демократияни сиёсий партия- ларнинг иштирокисиз тасав- вур этиб бўлмайди. Шунга эътиборга оладиган бўлсак, бу йил партиямиз олдига жуда катта сиёсий кампания, таъбир жоиз бўлса, аъзола- римиз ва сайловчиларимиз олдига жиддий сингиз турган лигини тасаввур этиш қийин эмас.

Таъкидлаш лозимки, сай- лов қонунчилигига киритил- ган ўзгаришлар мамлаката- мизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўли- дан янада ривожланиб бори- шини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Умуман, ушбу ўзгаришлар сиёсий партияларнинг сай- ловолди иштирокини янада энгиллаштириш, сайловолди соғлом рақобатни кучайти- ришга қаратилган.

Зиёда АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси ўрин- босари:



— Ҳудудларни ривожлан- тиришга қаратилган ижтимоий- иқтисодий дастурларни рўёб- га чиқариш, электротартиб манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги амалий ишлар, мавжуд муаммолар ва улар- ни бартараф этиш бўйича белгиланган вазифаларни ҳал этишда партиямизнинг Фар-

ғона вилоят ташкилотлари ўзига хос тажриба тўплади. Жумладан, биринчи навбат- да вилоятнинг ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш дастурига кўра, депутатлик гуруҳларимизнинг фаоллиги ва ҳар бир депутатимизнинг шахсий иштирокини таъмин- лаш борасида ишлар ташкил қилинди. Шу ўринда айтиш керакки, бу жараёнда туман, шаҳар партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотларда ўтказиладиган сиёсий ва фу- қаролик маърифати тизими- даги ўқувлар орқали электро- тартиб вакиллари томонидан бе- риладиган саволлар, мурожа- атлари таҳлил этиш, улар асосида депутатлик гуруҳла- ри олдига комплекс ҳал эти- лиши лозим бўлган масала- лар юзасидаги таҳлиллари тай- ёрлаш муҳимдир.

Сиёсий семинарларда бе- восита депутатларимизнинг иштирокини ташкил қилиш

муаммо ёки масаланинг тўла моҳиятини англаб олиш ва унинг ечимини биргаликда ҳал этилишига хизмат қила- ди. Чунки, электротартибни- нинг бугунги кундаги ютуғи ва муаммосини депутат кўриб, билиб, шунга яраша аниқ ҳаракат қилади.

Шунингдек, пленумда Сур- хондарё вилоят кенгаши ра- исини Ҳамро Эратов минта- қаларни ривожлантиришга қаратилган ҳудудий ижтимо- ий-иқтисодий дастурлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда партия кенгашларининг фаолияти, «Ўзбекистон овози» газета- си бўлим мудирини Беҳзод Шу- куров сайлов кампаниясини ўтказишда партия матбуоти- нинг роли, «Ўзбекистон овози» газетасининг Фарғона вилоятидаги муҳбири Муҳаммаджон Обидов сайло- волди тарғибот ишларини олиб боришда маҳаллий ОАВ билан ишлаш технологияла- ри хусусида сўз юритилди.

Беҳзод ШУКУРОВ, Ойбек ҚЎШБОҚОВ эъби олди.

Мамлакатимизда суд-хуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга доир чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Суд фаолиятида ярашув институтининг жорий этилиши жиноят ҳуқуқий муносабатларни эркинлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур институт жабрланувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, судланганлик ҳолатини камайтириш ва жиноят жавобгарликдан озод қилиш институтининг кенгроқ қўлланишига замин яратди, фуқаролар ҳуқуқларини судлар томонидан ҳимоя қилишга кенг имконият берди.

Ярашув институтининг ижтимоий аҳамияти шундаки, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялашдек инсонпарварлик тамойилига асосланади.

2001 йил 29 августда «Жинойи жазоларни либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга кўра, Жиноят кодекси 66-1-моддаси билан тўлдирildi. Ярашилганлиги муносабати билан жинойи жавобгарликдан озод

қилиш мумкин бўлган жиноятлар таркиби белгиланди.

Ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши мумкин бўлган жиноятлар рўйхати аниқ тарзда Жиноят кодексининг 66-1-моддасида қатъий белгиланди. Дастлаб 2001 йилдаги 26 та модда бўйича ярашув институтини қўлланиши бел-

лар қўшилди ва ярашув институтини қўллаш нормалари янада кенгайди. Шундай қилиб, бугунги кунда жиноят кодексининг 40 та моддасидаги жиноятлар учун ярашув институтини қўлланиш мумкин.

Яраштурув институтининг афзаллик томонларига эътибор қаратадиган бўлсак, улар қуйидагилардан

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ

жиноятчиликнинг олдини олиш, кечиримлик ва бағрикенглик каби миллий қадриятларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда

гиланган бўлса, 2004 йилдан яна 4 та модда қўшилиб, 30 модда бўйича ярашув институтини нормалари қўлланила бошланди. 2005 йил 31 декабрда қабул қилинган ўзгаришга асосан уларга яна 1 та модда (иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш) қўшилди.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66-1-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги қонун (2009 йил 3 апрель) билан улар қамровига яна 9 моддада назарда тутилган жиноят-

иборат: ушбу институтнинг жорий қилиниши жабрлануви ва жиноят содир этган шахс ўртасидаги низоини жинойи жазо чораларини қўлламасдан ҳал қилиш имконини беради.

Жиноятга адашиб кириб қолган шахсларга ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, жавобгарликдан озод бўлиш имконини вужудга келтиради ҳамда жамиятда жиноятчиликнинг камайтишига сабаб бўлади. Жабрланувчига етказилган зарарнинг тез ва тўла қопланишини таъминлашга хизмат қилади. Одамлар ўртасидаги душ-


Хуқуқий ислоҳот

манлик кайфиятини камайтиради, кечиримлик, бағрикенглик каби халқимизга хос хусусиятларини янада мустаҳкамлайди.

Жиноят ишлари бўйича Деҳқонobod судида сўнгги икки йилда 50 га яқин жиноят ишлари ярашув институтини берган имкон орқали тугатилди. Мисол учун Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда гумон қилинувчи Х.Н.га оид жиноят ишини олайлик. Суд мажлисида Х.Н. қилмишига тўлиқ иқролик ва чин кўнгилдан пушаймонлик билдирди. Фуқаровий даввогар М.Н. билан ихтиёрий равишда ярашиб, ундан кечирим сўради. Хуллас, ярашув асосида Х.Н.га нисбатан бўлган жиноят иши ҳаракатдан тугатилди. Х.Н. «судланган» деган тамгадан асраб қолинди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жинойи жазоларни либераллаштириш, ярашув институтини нормаларини кенгайтириш жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг самарали воситаларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Бахтиёр ҚИЛИЧОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Деҳқонobod тумани суди раиси.



АПРЕЛДА КУЧГА КИРГАН... танишишга энди имкон бўлди

Корея Халқ Демократик Республикаси, яъни Шимолий Корея маъмурияти мамлакат Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритди. Аслида ўзгаришлар киритилган Конституция шу йил апрелда кучга кирган. Аммо Конституция моддалари билан танишишга энди имконият яратилди.

«The Daily Mail» хабар беришича, асосий қонунда «коммунизм» сўзидан воз кечилган. Мамлакат раҳбарияти коммунизм госясини ҳаёт билан уйғунлаштириш осон иш эмаслигини англаб етгани боис ушбу атамдан воз кечилди.

Бундан ташқари, КХДР етакчиси, миллий мудофаа қўмитаси раиси Ким Чен Ир номига муносабат аввалги Конституцияда «ҳурматли етакчи» деб изоҳланган бўлса, янги тахрирдасида «олий етакчи» деб ўзгаририлган. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимояловчи моддалар ҳам киритилди. «BBC News» хабар беришича, бу беҳиз эмас. Негаки, мамлакатда юриштириладиган сиёсат кейинги пайларда халқаро ҳамжамият томонидан қаттиқ танқид остига олинмоқда.

КАСАЛЛИК ТАРҚАЛГАН ТУФАЙЛИ карантин эълон қилинди

«Роспотребнадзор»нинг Сахалин области бошқармаси ўтқир юқумли касалликлар тарқалганлиги боис Жанубий Сахалиндаги 11 та мактабда 4 октябргача карантин эълон қилди. Мактабгача таълим муассасаларида эса касалликнинг олдини олиш бўйича профилактика тадбирлари ўтказилмоқда.

Жанубий Сахалин соғлиқни сақлаш департаменти бошлигининг айтишича, ҳудудда совуқ мавсум бошланиши болалар ўртасида турли юқумли касалликлар тарқалишини юзага келтирмоқда. Бундан ташқари, таътилда ўзга юртларда ота-оналари билан дам олиб қайтган болалар ўша томонлардан юқумли касалликларни ўзларига юктириб келганлиги ҳам ўтқир респиратор касалликларни авж олишига сабаб бўлмоқда, дейилади «Новости» АА хабарига.

«Интерфакс» АА маълум қилишича, Калининград шаҳридаги 30-мактабда ҳам карантин жорий этилди. У ерда 9 нафар ўқувчи А/Н1Н1 гриппи вирусига чалинганликда гумон қилиниб, шифохонага ётқизилган.



28 сентябрдан бери мактабнинг иккита синфи фанлар бўйича ажратилган ҳолларда эмас, балки бир хонадан чиқмаган ҳолда дарс машғулотларини ўтишмоқда. Бу билан болаларнинг бошқа болалар билан ўзаро мулоқотга киришиши ва касаллик тарқалишининг олди олинмоқда.

Ундан аввалроқ Мурманск облатининг Мурманск посёлкисидagi мактабда ҳам карантин эълон қилинганди. У ерда бир ўқувчи хорижда бўлиб, касаллик юктириб қайтган.

АЁЛЛАР ШИМДА ЮРИШИ МУМКИН фақат у ўта тор бўлмаслиги лозим

Мисрнинг диний идора раҳбари, муфтий Али Гомаа жомоат жойида маъруза қилиб, аёлларнинг кўча-кўйда шим кийиб юриши мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида берилган саволга, мумкин, дея жавоб берди, дейилади «Associated Press» АА хабарига. Фақат шим ўта тор ва юпқа бўлмаслиги, тана кўринмаслиги шарт.

Эслатиб ўтамиз: агентлик ахборотида қайд этилишича, яқинда Мисрда қўшни давлат Суданда аёлларнинг ноъанавий кийими билан боғлиқ суд можораси ниҳоят яқинини топди.

Гап шундаки, Судан полицияси июль ойида ўтказган рейд-текширувлари жараёнида пойтахт шаҳар — Хартум ресторанидан бирида 13 нафар аёлни айнан жомоат жойида шим кийиб юргани учун қўлга олган ва улар жазоланишини суддан талаб қилган.

Суд ҳукмига кўра, уларнинг 10 нафари қамчи билан саваланиб, жарима жазосига тортилган. 4ч аёлнинг, шунингдек, 43 ёшли журналист Любни Хусайнинг иши эса анча қўзилди. Негаки, журналист аёл бу воқеа ҳақида интернетга мақола тарқатиб, жоматчилик эътиборини қаратди. Аёллар шим кийишини таққиллаш аёллар ҳақ-ҳуқуқларини чеклаш билан баробар, дея баҳолади у.

Суд барибир уни август ойида 200 доллар миқдорда жарима жазосига тортиди. У эса жаримани тўлашдан бош тортиди. Лекин воқеа баттар авж олишини истамеган Судан журналистлар уюшмаси унинг учун жарима тўлашни бўйнига олди.

Шукроналик

УМИДЛАР ОРТИДАН КЕТАЁТГАН ОДАМ

Қоровулбозор нефть-газ экспедициясининг Гиждувондаги ишчи-хизматчиларини ташийдиган махсус автобус Қашқадарё томон йўлга тушади. Айни кунда Қаршидаги «Оқназар-4» кудуғида пармалаш ишлари кетяпти. Йиллар давомидаги аҳиллик ёнма-ён меҳнат қилиш туфайли ака-укадек бўлиб қолган одамлар учун икки ярим-уч соатлик йўл унчалик билинмайди ҳам, кизгин суҳбат, ҳазил-мутойиба билан вақт ўтгани сезмай қолишади. Пармалаш ишлари олиб борилаётган ҳудудга келиб, ҳамкасбларидан ваҳтани қабул қилиб олишади. Энди бир ҳафта тер тўкиб меҳнат қилиш уларнинг навбати.

Рамазон Очиллов бошлиқ бригада ишга киришади. Баҳайбат бурғулаш ускуналари овозини янада кучайтирадиган чўл шамол, чанг-тўзонни бу одамларга яхши таниш. Айниқса, Рамазон акага—чунки у 40 йилдан бунён шу касбни эъзозлаб келяпти.

Олдин Бухоро тоғ геология

техникумида, кейин эса Тошкент политехника институтининг бурғулаш бўлимида ўқиб, етук мутахассис бўлиб етишган Рамазон Очилловнинг меҳнат фаолиятида мамлакат нефть-газ саноати ривожига акс этган десак, янглишмаймиз. У «Ўртабулок», «Кемачи», «Фарбий кемачи», «Шода», «Кўкдумалоқ», «Фарбий сабо» нефть ва газ, газ-конденсат конлари кудуқларини бурғулашда қатнашган, таъбир жоиз бўлса, ўз ҳиссасини қўшган.

Кўп йиллик тажрибаю марҳум унинг мураббийлик фаолиятига ҳам асос бўлди. Корхонага ёш мутахассис келди, раҳбарлар албатта уни Рамазон Очиллов кўл остига йўллашади. Устоз раҳбарлигида икки-уч ой давомида назарий билимларни амалда қўллаб, «кўзи пишган» кўплаб ёшлар ундан миннатдор.

Айниқса, мустақиллик йилларида қўлланилаётган замонавий бурғулаш техникалари «тили»ни тезда тушуниб олган Рамазон ака ёшларга ўз



иш тажрибасини ўргатишдан эринмайди.

— Фаолиятимни икки даврга бўламан — Мустақилликкача ва ундан кейинги йиллар. Бу вақт орасидаги фаолиятимни сарҳисоб қиламан.

Олдинлари кудуқни бурғулаш режасини бажарсак бўлди эди. Ҳозир эса натижа энг муҳим масала сифатида қўйилган. Ана шу самардорликка эришиш учун технологиянинг ҳам, техниканинг

ҳам, мутахассисларнинг ҳам энг саралари танланади. Бу эса мамлакатимиз нефть-газ саноатида эришилаётган ютуқларда ҳам, оддий меҳнатчиларнинг ҳаётида ҳам акс этиб турибди, — дейди Рамазон Очиллов.

Рамазон ака тўғри айтди — моддий манфаатдорлик бор жойда ишда унум бўлади. Олаётган иш ҳақлари орзу-ҳавасларига етаяпти. Турмуш ўртоғи тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишлаган, ҳозир пенсияда. Уч йил бўлдики, янги уй қуришяпти. Бу йил пардозлаш ишларини бажаришди. Бунча қўзилди деб ҳайрон бўлманг — унинг пишиқ гилтан икки қаватли қилиб тиклашди. Худо хохла-са бу мўъжаз Ватанда набралари ҳам яшайди.

— Яқинда йўлим тушиб Тошкентга боргандим, — дейди Рамазон ака. — Қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жой лойиҳалари ва қурилиш материалларининг кўрғазмаси бўлаётганини эшитиб, томоша қилдим. Лойиҳаларнинг ихчам,

қурилиши камчиқим, энг асосийси, қишлоқбоп эканини кўриб, бир ҳайратландим, бир қувондим. Қаранг, бу кўрғазма Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган экан. Қишлоқ аҳолиси ҳам шаҳарликдан қолшмайдиган шароитларда яшасин деб жонқурялик қилаётган Юртбошимизга минг раҳмат!

Рамазон ака «Шухрат» медали соҳибини, ЎзАДП аъзоси, Гиждувон туманидаги Дилқушо маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилади. Хуллас, қаҳрамонимиз газета ўқиб, телевизор кўриб, узок-яқин эллардаги воқеа, ҳодисалар билан танишиб, қиёслаб, мушоҳада қилиб, ўринли хулоса чиқаради. Бу хулосанинг асосий мазмуни — шукроналик.

— Осмонимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, катта-кичик орзу-умидларимизга эришяпмиз. Бундан ортиқ менга нима керак, — дейди у.

Темуր ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Қарор ва ижро

Вазирлар Маҳкамаси 2004 йилнинг 24 сентябрда «Пластик картчакалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Мазкур қарор ижроси юзасидан туманимизда нақд пул тушумига эга бўлган савдо шохобчаларида тижорат банклари томонидан терминналлар ўрнатилган бўлиб, уларда нақд пул билан бирга, пластик картчакаларда ҳам савдо қилинмоқда.

Савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи микрофирма ва кичик корхоналар учун пластик картчак орқали амалга оширилган товар айланмасидан ягона солиқ тўлови бўйича имтиёз берилган. Шунга мувофиқ, чакана савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи микрофирма ва кичик корхоналар пластик картчак орқали амалга оширган товар айланмасидан белгиланган солиқ ставкасидан 10 фоизга камайтирилган ставкада ягона солиқ тўлови амалга оширилади.

ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ

Савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи микрофирма ва кичик корхоналар учун пластик картчак орқали амалга оширилган товар айланмасидан ягона солиқ тўлови бўйича имтиёз берилган. Шунга мувофиқ, чакана савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи микрофирма ва кичик корхоналар пластик картчак орқали амалга оширган товар айланмасидан белгиланган солиқ ставкасидан 10 фоизга камайтирилган ставкада ягона солиқ тўлови амалга оширилади.

Султон ШАМШИЕВ,
Яккасарой тумани
ДСИ бошлиғи ўринбосари.

ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ РАМЗИ

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида шу азиз байрамга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган табригининг ўқиб эшиттирилиши тантанали қатнашчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Биз байрам қатнашчиларининг айримлари таассуротлари билан қизиқдик.

Вера ПАК,
Хивадаги 20-Меҳрибонлик уйи директори,
Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Президентимизнинг табригини катта ҳаяжон билан тингладим. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислохотлари ва биз ўқитувчи-мураббийларга қўрилган кўрсатилган гамхўрликларнинг мазмун-моҳияти аниқ далиллар мисолида чуқур таҳлил этилган. Бу эса чет элларда ҳам эътироф қилинаёпти. Биргина мисол: Қаҳрамонлик нишонини тақиб Кореяга бордим. Улар ажабланиб, мендан бу қандай мукофот эканини сўрашди. Қаҳрамонлик нишонини эканини айтганимда, улар янада ҳайратланишди, бизда ўқитувчиларга бундай мукофот берилмайди дейишди. Мен уларга бизнинг давлатимизда таълим соҳасига,

ўқитувчиларга мана шундай юксак эътибор, ҳурмат қўрилгани, дедим фахр билан.

Зоҳида ЖАЛОЛОВА,
Фарғона шаҳридаги 13-мактабнинг миллий истиқлол госяси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси, «Йилнинг энг яхши фани ўқитувчиси»:

— Узр, жуда ҳаяжонданман. Мамлакатимиз раҳбарининг биз ўқитувчиларга йўллаган табригини тинглаётганда, ҳурматли устозлар кўз ўнгиде мукофот топширилаётганда, ўқитувчилик касбини танлаганимдан фахрланиб кетдим. Фарзандларимизнинг Ватанимизга садоқат руҳида улғайишида, юксак маънавиятли инсонлар бўлиб вояга етишида бизнинг фанимиз заҳматкашларининг алоҳида ўрни бор.

(Ўз мухбиримиз)

ЯНГИ ЦЕХ ВА ИШ ЎРИНЛАРИ

Навоий тоғ металлургия комбинатига қарашли «Дўстлик» агрофирмаси ўтган йили серқаймоқ сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунё эксперт ва сертификатлаш қўмитасининг Испанияда бўлиб ўтган навбатдаги халқаро конференциясида олтин нишон ва олтин кубокни қўлга киритган эди. Агрофирма жомоаси ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўлида изланиш олиб бориб, «Сумалак» ширинлиги яратилди.

У бугунги ивтиб, ундирилади, яъни сумалакка тайёрланган каби ҳозирланди. Дарҳақиқат, «сумалак» ширадор озукани тайёрланиши сумалак каби арзон, тўйимлиги эса юқоридир.

Яқинда «Сумалак» ширинлиги учун янги цех қурилди. Натижада 10 нафар йигит-қиз иш ўрнига эга бўлди.

Музаффар ШАРОПОВ

Ўз мухбирларимиз хабар қиладилар

МЕХНАТ ЯРМАРКАСИ

Узун тумани ҳокимлиги, прокуратура, бандликка кўмаклашиш маркази ташаббуси билан маданият ва истироҳат боғида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда қарий 600 га яқин корхона, ташкилот ҳамда муассаса бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмаркада иштирок этганлардан юз нафарга яқин киши муқим иш жойларига эга бўлишди. Уларнинг асосий қисмини аёллар ҳамда ёшлар ташкил этади.

— Бундай тадбирлар ҳар ойда ўтказилмоқда, — дейди туман прокурори ёрдамчиси Исомиддин Хуррамов. — Бугунгача минг нафарга яқин киши ишлик бўлди. Бу аҳоли орасида жиноятчиликни олдини олиш баробарида, ёшларни касбга йўналтириш, турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим ўрин тутмоқда.

— Яқинда Узун қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежининг Транспортда юк ва йўловчи ташвиш факультетини тугатдим, — дейди Шерзод Меликулов. — Тумандаги «Оқ йўл Мусо» корхонасига ҳайдовчи бўлиб, ишга қабул қилиндим.

— Мен ҳам шу илм даргоҳининг Бухгалтерия ҳисоби йўналишини тугатдим, — дея суҳбатга қўшилиди Гулрухсор Шукурова. — Энди ўз соҳам бўйича туман мусика мактабига ишлаш бошлайман.

Ярмаркада касаначиликни ривожлантириш, сервис хизматлари, чорвачилик ва деҳқончилик соҳаларида ҳам кўпчилик ишга жалб этилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Ўз мухбиримиз.

СПОРТ SPORT СПОРТ

ОМАДСИЗ ЧОРАК ФИНАЛЛАР



Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси чорак финалларининг жавоб учрашувлари бўлиб ўтди. «Бунёдкор» (Тошкент) футболчилари Жанубий Кореяда «Поханг Стилерз» жамоаси меҳмони бўлди. Ушбу жамоаларнинг пойтахтимизда ўтказилган дастлабки учрашувида ҳамюртларимиз 3:1 ҳисобида ғалаба қозонишганди. Жавоб ўйинининг асосий вақтида корейликлар худди шу ҳисобда устунликка эришди. Белгиланган қўшимча вақтда мезбонлар битта гол киритиб, ғолибликни «либ» кетдилар — 4:1. Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси эса Саудия Арабистонида «Ал-Иттиҳод» жамоасига 0:4 ҳисобида ютқазиб қўйди ва мусобақадан чиқиб кетди (дастлабки учрашувда 1:1 ҳисоби қайд этилганди).

ОФК кубоги баҳсларида қатнашаётган Фарғонанинг «Нефтчи» вакиллари Гонконгда «Саут Чайна» футболчиларига 0:1 ҳисобида енгилди. Дастлабки ўйинда фарғоналиклар 5:4 ҳисобида ютишганди. Лекин икки ўйин натижасига кўра гонконгликлар ярим финалга чиқиди. Афсуски, ОФКнинг бу йилги чорак финал ўйинлари футболчиларимиз учун омадсиз келди.

(Ўз мухбиримиз).

Авалло, иккинчи турнинг қолган натижалари билан танишинг. «Е» гуруҳи: Австралия — Коста-Рика — 0:3, Бразилия — Чехия — 0:0. «F» гуруҳи: Венгрия — ЖАР — 4:0, БАА — Гондурас — 1:0. Шундай қилиб, қитъамиздан Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари муллатидан аввал кейинги босқичга чиқиди.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЎЙИНЛАР БОШЛАНДИ

Футбол бўйича Мисрда ёшлар ўртасида ўтказилаётган XVII жаҳон чемпионати баҳслари ҳал қилувчи паллага кирди. Жаҳон чемпионати низомига мувофиқ, ҳар бир гуруҳдан иккитадан жамоанинг тўғридан тўғри кейинги босқичга йўланма олиши ва энг яхши натижага эга яна тўртта учинчи ўрин соҳибининг ҳам «плей-офф» баҳсларида тўп суриши гуруҳ баҳсларининг мурасасиз ва шиддатли кечишини таъминламоқда.

Кутилганидек, «А» гуруҳида мезбонлар етакчиликини қўлга киритишди. Учтинчи турда Миср ёшлар терма жамоаси италиялик тенгдошларини 4:2 ҳисобида доғда қолдирди. Гуруҳнинг иккинчи ўйинида Тринидад ва Тобаго футболчилари паравайликлар билан дуранг ўйнаб, чемпионатда илк очко ўзи ҳисобларига ёзиб қўйишди — 0:0.

Охириги тур ўйинлари «В» гуруҳидаги вазиятга ҳам оиднилик киритиб берди. Таниш ёшлар терма жамоаси гуруҳдошлари учун фақат очко улашувчи вазифасини ўтаб берди. Улар Нигерия вакилларига 0:5 ҳисобида ютқазди. Испания — Венесуэла терма жамоалари баҳсида эса европаликларнинг қўли устун келди — 3:0.



Кеча кечкурун Аҳмадjon Убайдуллаев беш мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси «Д» гуруҳидаги сўнгги учрашувни англиялик тенгдошларига қарши ўтказди. Гуруҳдаги иккинчи ўйинда Гана — Уругвай терма жамоалари ўзаро куч синашди. Шунингдек, «С» гуруҳида Германия — Камерун, Жанубий Корея — АҚШ футболчилари майдонга тушдилар. Бугун эса Коста Рика — Чехия, Австралия — Бразилия («Е»), Венгрия — БАА, ЖАР — Гондурас («F») жамоалари ўзаро рўбарў келишади.

Эркин ХОЛБОБО

Миннатдорлик

«МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ...»

— Амаки, кўзингизни очинг, амакингиз тегангизда фарзандларингиз турдиби. Мана, кичкина ўглингиз ҳам келди, — деган сўзлар қулоғимга элас-элас эшитила бошлади. Кичик ўглимнинг «Адажон, кўзингизни очинг!» деган сўзларини эшитиб, кўзимни секин очдим. Терамда оқ халатли шифокорлар турарди.

— Хайтовир кўзларини очдилар, — дейишди улар севинишиб. Секин ён-веримга қардим. Ёнимдаги аппаратда яшил нур жилваланиб кўринди. Бу уярак уришини кўрсатадиган асбоб экан.

Кейин билсам, Абу Али ибн Сино номли 1-шаҳар клиник касалхонасининг жонлантириш бўлимига хушимдан кетган, деярли жонсиз ҳолатда олиб келинган экан. Бу бўлимда уч-тўрт кун даволандим. Шифокор Дилором Каримова, бўлим мудири Бахтиёр Абдурахимовнинг жонкуярлиги мени лол қолдирди. Ҳар иккови ҳам беморларни нафақат дори-дармон, балки ши-

рин муомаласи билан ҳаётга қайтаришарди. Кўпчилик бу бўлимни жонбахш жой дейишаркан. Мен эса жонсизларни қалб кўри билан жонлантирадиган меҳрхона, деб атаган бўлардим. Кўп ўтмай кардиология бўлимига ўтказишди. Икки-уч кишилик, озода ва шинам хоналарда беморларга барча шароитлар муҳайё. Нафиса Йўлдошева, Муҳайё Ҳасанжўжаева каби қўли енгил шифокорлар, Нафиса Тўлаганова, Маҳбуба Қудратова, Насиба Шодмонова, Муборак Абдурапиқова, Шаҳноза Зокирова сингари ҳамширалар ҳар бир бемор бошида парвона. Уларнинг меҳрибонлиги, ширинсўзчилиги айтмайсизми.

Хуллас, бу даргоҳга замбилда жонсиз ҳолатда олиб келишганди. Даволаниб, ўйнаб-қулиб ўз оёғим билан юриб чиқиб кетдим. Раҳмат сизларга, жонфидо шифокорлар! Ҳамиша кўларингиз енгил бўлсин. Беморлар дардига дармон бўлишда чарчанганг. Мирқошил НАСРУЛЛАЕВ, меҳнат фахрийси.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affer HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Musihiiddin MUHIIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

- Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, 233-38-55, 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55

- Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Shara» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'hiriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 849
8239 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 22.10
Topshirilgan vaqti — 00.00
1 2 4 5 6 7 8

Sotuvda erkin narxda

Мулоҳаза учун мавзу



ҚОВУН-ТАРВУЗ СЕРОБ, НАВЛАРИ-ЧИ?

Қадрдон отахон билан бозорда учрашиб қолдим. Қўришганимиздан кейин кўнглидагини айтди. — Қаранг, бозорларимизда мўл-қўлчилик. Нознеъматлар сероб. «Кўзибой» тарвузи, «Амири» қовуни олай дегандим. Қовун-тарвуз кўп, мен истагани йўқ. Сотувчидан сўрасам, «Кўзибой» билан «Амири»ни билишавермади. «Борини олавермай-сизми?» — дейишди. Баррибир, «Кўзибой» тарвузининг ўрни, мазаси бошқада. Борига шўкр қилиб, «Обиновот»дан олавераман.

Кўпни кўрган отахоннинг айтганлари полизчилик ҳақида мулоҳаза қилишга ундади. Соҳа мутахассисларининг маълумотларига қараганда, Андижон вилоятида бу йил барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 1253 гектар ерга полиз экинлари экилди. 69 минг 405 тонна полиз махсулотлари етиштириш режалаштирилган бўлиб, ҳосилнинг 500 тоннасидан уруғлик тайёрланиши мўлжалланапти. 1600 тонна полиз махсулоти Тошкент шаҳри ва бошқа жойларда ўтказиладиган ярмаркаларга етказиб берилди.

Тажрибали деҳқонлар бугундан бўшаган 873 гектар ерга такрорий экин сифатида қовун-тарвуз, ошқоққ экишди. Бу полиз махсулотларининг янада мўл бўлишига замин яратди. Бозорларда қовун-тарвузларнинг кўплигига гап йўқ. Лекин навлари, мазаси кўнглидагидекими? Сирасини айтганда, қовун-тарвузнинг нави, тури ўндан ошмайди. «Обиновот», «Оқ уруғ», «Шакарпалак», «Олачипор» тарвуз...

Пичоқ тегиб-тегмай тарс ёриладиган, қип-қизил ҳақиқдек товланган, мазали, шифобахш «Мармар», «Кўзибой», «Ҳайитқора», «Куба қироли» сингари тарвузлар, тилими тилни ёрадиган «Бўриқалла», «Босволди», «Кўкча», «Қари қиз», «Амири», «Кампир чопон», биттаси 20 килограммгача тош боладиган «Аравақаш», «Оқ кўл», «Қора кўл», «Умрбоқи», «Кўйбоши» қирқма қовунлари қани?

Бу савол билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти Андижон филиали директори Тоҳиржон Аҳмедовга мурожаат қилдим. — Халқ селекционерлари томонидан қовуннинг 800 хил нави яратилган, — деди у. — Болаларбоп, кексалару кўрик-танловлар учун алоҳида турлари етиштирилган. Қовунларимиз ширдорлиги билан дунёга танилган. Тарвузнинг ҳам ҳосилдор, ширин, ташишга мос навлари кўп эди. Кейинги йилларда маҳаллий, синашта қовун-тарвуз навлари уруғини экиш камайиб кетди. Хорижда тайёрланган гибрид уруғликларга қизиқиш кўмайди.

—Ўзимизда қовун-тарвузнинг янги навлари ҳам яратилаяптими? — Албатта. Институти-мизда тарвузнинг янги «Олмос» нави яратилди. Эртапишар, кўриниши кўркам, мазали, вазни йирик, янги нави уруғи экишга тавсия этилди. Қовуннинг мингга яқин навлари манбалари сақланаяпти. Жуда катта меҳнат билан йиллар давомида яратилган қовун навларини сақлашимиз, халқ селекционерларига

эйтибор беришимиз керак. Бир сўз билан айтганда, полизчиликка янги назар билан қараш мақсадга мувофиқдир.

Сухбатдошимнинг қуюнчақлик билан айтган сўзлари жўяли. Халқимиз орасида миришкор полизкорлар кўп. Бўзлик Ҳажимжон ота Абдулхаев ширин-шарқар қовун-тарвуз етиштириб, эл-юрт ўртасида машҳур полизкор сифатида танилди, кўплаб қўрик-танловларнинг ғолиби бўлди. Таниқли полизкорнинг эзгу ишларини фарзандлари давом эттираяпти.


Қишлоғимиздаги Эргаш бува Валиев ҳам ҳар йили шартнома асосида гектар-гектар қовун-тарвуз экарди. Тажрибакорлиги билан ҳосил пиша бошлангандаёқ уруғликни йиларди. Сара қовун-тарвузни коса қилиб, уруғини шу идишда сақлади. Қачон бўлса, косага қараб, қайси уруғ эканини дарров айтарди. Эргаш бува оламдан ўтган, синашта қовун-тарвуз уруғини кўпчилик истайдиган бўлиб қолди.

Халқимизнинг азалий анъаналари полизчиликда ҳам давом этмоқда. Айниқса, қовун сайллари, Ола-ер саховати кўргазмалари ўтказилапти, полизчиликни ривожлантиришга, халқ селекционерларини рағбатлантиришга ҳисса қўшувчи бундай кўргазма танловларни тез-тез ўтказиш жуда фойдалоқ. Полизчиликка қизиқувчилар кўпаяпти. Қовун-тарвузнинг миллий, серҳосил, ширин-шарқар навлари қаторига янгилари қўшилипти. Халқимиз дастурхони тўқилгани ошади. Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Биохилма-хилликни асраймиз

ТЕРМИЗ ҲАЙВОНОТ БОҒИ

Сурхондарё тўрт фасли ҳам ўзида мужасам этган воқадир. Текисликлариди қиш илиқ бўлса, ёз иссиқ ва узоқлиги билан ажралиб туради. Денгиз сатҳидан 3-4 митр баландликда жойлашган пурвиқор тоғлар эса йилнинг ўн икки ойида ҳам қор билан қопланган.



амалга оширилди. Жумладан, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги арафасида ҳайвонот боғида кенг қўламда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳамда қурилиш ишлари амалга оширилди. Боғда ишлари жониворлар сони йилдан-йилга ошмоқда. Жорий йилда гўшага кенгуру, шоқол, андатра ва талай қушлар келтирилди. Бу эса ташриф буюрувчилар сонини янада ошираяпти.

— Ҳайвонот дунёсига қизиқаман, — дейди Денов туманидаги 16-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 8-синф ўқувчиси Дилшодбек Файзуллаев. — Уч ойлик таътилда икки марта томошага кел-

гандим. Бу гал эса ота-онам билан келдик. Менга, айниқса, ажойиб айиқполвон ҳамда тоғлар хумқдори бургутлар ёқди.

Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур боғқа 18 минг нафарга яқин томошабин келган. Бу 2008 йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпдир. Шулардан 10 минг нафардан ортиғи жажжи ўғил-қизлар. Зеро, инсон, ўсимликлар, ҳайвонот олами яхлит битта экотизимда яшайди. Ҳайвонот оламига меҳр-шафқатли бўлиш, уни асраш орқали аслида, биз борлиқнинг бир бўлагини ва ўзимизни асраган бўламиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«ДЕҲҚОН БОЗОРИ»ДАГИ ВАЛЮТАФУРУШ

Жасур Расулов тўрт мучаси соғ бўла туриб, ҳеч жойда ишламаса, Тўғриси, ишламан деса, шаҳарчада, қолаверса туманда унга лойиқ иш кўп. Лекин хоҳиш, истак йўқ. Аммо яшаш керак, яшаш учун эса пул зарур. Нима қилсаки, бели оғримасдан пул топса, пешона тери тўқмасдан мўмай даромад қилса.

Ўйлай-ўйлай қўшни Қозғоғистон Республикаси билан чегарадош туманда яшаётганлиги, бу ерда тенге, рубль, доллар сўровчиларнинг бўлиб туришини назарда тутиб, валютафурушлик билан шуғулланишга қарор қилди. Таниш-билишларни ишга солди. Тенге, рубль, дол-

Қилмиш-қидирмиш

лар топди. Сўнг Гагарин шаҳридаги «Деҳқон бозори»га борди ва дарвоза яқинида туриб, ўтган-кетган — «Тенге, рубль, доллар керакми?» дея сўрай бошлади. Ишлар бир мuddат яхши кетди.

— Тенге керак, — деб қолди бир кунги ўрта ёшлардаги бир аёл. — Қанча керак? — аёлни четроққа бошлади Жасур. — 40-50 минг тенге зарур, ўзи қанчадан бермоқчиси? — Бир тенгеси 12,5 сўмдан, ишонмасангиз, ана, бошқалардан ҳам

сўраб кўринг, — жилмайди Жасур. Савдо тез пишди. Бўёғи хамирдан қил суғургандай осон кечди. Ҳаш-паш дегунча Жасур Расулов фўқаро Розия Муродқосимовага 48000 Қозғоғистон тенгесини сўмга айрибашлади.

Кўнғир ишининг қийини бу гал қирқ минутга ҳам етмасдан очилди-қолди. Шундай қилиб, «Деҳқон бозори»да «уя» қуриб олган яна бир валютафурушнинг ноқонуний фаолиятига барҳам берилди.

Ҳапуржон ХОЛОВ, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти Мирзачўл туман бўлими инспектори.